
БУВАЙДА ТУМАНИ ФЕРМЕРЛАРИ ПАХТА ЕТИШТИРИШ ШАРТНОМАВИЙ РЕЖАНИ БАЖАРИШДА ВОДИЙДА БИРИНЧИ БЎЛДИ

Пахтачиликда ўзига хос бой тажрибага эга бўлган Бувайда тумани фермерлари пахта етиштириш шартномавий режасини водийда биринчи бўлиб бажардилар.

Жорий йилда туманда 206 та фермер хўжаликлари томонидан 5 минг гектар майдонда ғўза парвариш қилиниб, 18 минг 600 тоннадан зиёд пахта ҳосили топширилди.

"Саминжон ота АСК", "Қўнғирот замин кўрки", "Патилахон", "Юлдуз", "Alqor agrotex", "Саҳоватли Бачқир замини" каби фермер хўжаликларида ўртача 50 центнердан ортиқ ҳосил олиниб, юқори кўрсаткичларга эришилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жорий йилда бувайдаликлар пилла ва ғалла етиштиришда ҳам водийда биринчи бўлди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-11-04 09:22:57